

## Солиқ ислоҳотларини амалга ошириш ва қўшимча қиймат солигини қўллаш соҳасини кенгайтириш муаммолари

### Таҳлилий маълумотнома

2019 йил 1 январдан бошланган солиқ ислоҳоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги фармони билан ташаббус қилинган эди.<sup>1</sup>

#### Солиқ ислоҳотларини амалга оширишнинг вазифа ва муаммолари

Солиқ ислоҳоти бизнес учун солиқ ва маъмурий юкини камайтириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қонунийлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакат солиқ тизимини тубдан қайта куришга қаратилган.

Бироқ, солиқ ислоҳотининг бир қатор вазифалари амалга оширилмади, натижада ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида хусусий бизнес жиддий зарар кўрди, айрим турдаги товарларнинг нархи кўтарилиди ва бизнеснинг яширин иқтисодиётга ўтиш жараёни кучайди. Ислоҳотларни тайёрлаш ва амалга оширишда йўл қўйилган хатолар, ислоҳотлар концепциясида белгиланган принциплардан воз кечиши юқоридагиларнинг асосий сабаблари бўлди.

Ислоҳот олдида қандай вазифалар бор эди ва улар қандай амалга оширилди?

**1-вазифа – меҳнат (иш ҳақи) га солинадиган юқори солиқларни камайтириш.** Ушбу вазифа етарли даражада ҳал этилди, 1 январдан бошлаб хусусий секторда иш ҳақи учун солиқлари кескин камайтирилди:

- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган 8 фоиз сугурта бадали бекор қилинди;
- энг юқори солиқ ставкаси 22,5 фоиз бўлган прогрессив шкала ўрнига 12 фоиз даромад солиги шкаласи жорий этилди;
- ягона ижтимоий тўлов ставкаси соддалаштирилган тартиб учун 15 фоиз ўрнига 12 фоизгача ва солиқ солишининг умумий тартиби учун 25 фоизгача пасайтирилди (бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналаридан ташқари - улар учун ставка 25 фоиз миқдорида белгиланади).

Буни бугунги кунда солиқ ислоҳотининг энг муҳим ютуғи деб хисоблаш мумкин.

**2-вазифа – солиқларнинг умумий ва соддалаштирилган тартиблари ўртасидаги солиқ юқидаги тафовутни камайтириш.** Ушбу тафовут корхоналарнинг ривожланиш ва қамровдан иқтисод қилиш афзаллигидан фойдаланиш имкониятларини чеклайди,

<sup>1</sup> <http://aza.uz/ru/documents/o-kontseptsiy-sovershenstvovaniya-nalogovoy-politiki-respubl-30-06-2018>

соддалаштирилган солиқ тартибида қолиш учун корхоналарни ўз даромадларини яширишга ва тақсимлашга мажбур қиласы.<sup>2</sup>

Ушбу вазифа фақат қисман ҳал қилинди. Дарҳақиқат, умумий тартиб корхоналари учун солиқ юкини камайтириш хисобига тафовут сезиларли даражада қисқарди, хусусан:

- Давлат мақсадли жамғармасига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш (даромаднинг 3,2 фоиз);
- Ягона ижтимоий тўлов ставкасини 25 фоиздан (умумий тартибдаги корхоналар учун) 12 фоизга тушириш;
- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизга тушириш;
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларини 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтириш.

Аммо, солиқларнинг умумий ва соддалаштирилган тартиблари ўртасидаги тафовут кўпгина тармоқларда сақланиб қолмоқда. Бизнинг фикримизча, бу **солиқ ислоҳотларини амалга оширишнинг бугунги қундаги асосий муаммоси** ҳисобланади. Бунинг оқибатида, ушбу тармоқларда умумий ва соддалаштирилган тартибдаги корхоналар солиқ юки ҳажми нуқтаи назаридан тенг бўлмаган шароитларда қолмоқдалар. Бу умумий тартибдаги корхоналарни солиқлардан қочишига ва бизнесни кичиклаширишга ундейди.

**ҚҚСнинг юқори даражаси – 20 фоиз** – тафовут сақланиб қолишининг асосий сабабидир. Айнан солиқнинг ҳажмлари сабабли қайд этилган тафовут сақланиб қолмоқда. Шу билан бирга, Солиқ концепциясининг дастлабки версиясида қуидаги икки сабабга кўра ставкани 12 фоизга тушириш таклиф қилинган эди:

- ҳисоб-китоблар айнан ушбу 12 фоиз ставка кўплаб саноат тармоқлари учун солиқ юкини тенглаштириш ва ушбу тармоқлар корхоналарининг нисбатан қийинчиликларсиз солиқقا тортишнинг умумий тартибига ўтиш имконини беришини кўрсатган эди<sup>3</sup>;
- 12 фоиз ҚҚС ставкаси энг яқин қўшниларимиз – Қозоғистон ва Қирғизистонда мавжуд.

Бироқ, Молия вазирлиги Солиқ концепцияси лойиҳаси муҳокамасида ҚҚСнинг 20 фоиз ставкасини талаб қилган эди. Бу умумий ва соддалаштирилган солиқقا тортиш тартибидаги корхоналар учун солиқ юки номутаносиблиги давом этишининг асосий сабаби бўлди.

**З-вазифа** - ижтимоий меҳнат тақсимоти ва қўшимча қиймат занжирлари шаклланишини йўқ қилувчи **айланма маблағ (даромад) солиқларининг таъсир доирасини камайтириш**. Маъмуритчиликнинг қулагилигига қарамай, айланма маблағ солиқлари (Ягона солиқ тўлови (ЯСТ), Давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар (ДМЖ)) бир хил қийматдаги тақрорий солиқقا тортилиши туфайли қўшимча қийматнинг узоқ муддатли занжирларини яратишига имкон бермайди, Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётининг доимий хом ашё қўшимчасига маҳкум қиласы<sup>4</sup>.

Ушбу муаммони ҳал қилиш йўлида жуда кўп ишлар қилинди: ДМФга ажратмалар (даромаднинг 3,2 фоиз) бекор қилинди, йил бошидан бўён ҚҚС тўловчилари сони 41 мингтага (7 мингдан 48 мингтагача) кўпайди ва шу сабабли ЯСТ тўловчилари сони камайди. Ҳукумат ҚҚС тўловчилари сонини янада кенгайтиришни режалаштирунганда.

Бироқ, қўйилган вазифанинг тўлиқ бажарилишига қуидагилар тўсқинлик қиласы:

- **ҚҚСни тўлашда**, шу жумладан импорт учун **алоҳида имтиёзларнинг мавжудлиги**, бу ушбу солиқни тўлаш занжирларининг узилишига олиб келади ва солиқ юкини ҳалол солиқ

<sup>2</sup> Подробнее см.: <http://ced.uz/issledovaniya/analiz-vozmozhnostej-razvitiya-promyshlennyh-klasterov-i-proizvodstvennoj-kooperatsii-v-respublike-uzbekistan/>.

<sup>3</sup> Подробнее см.: <https://repost.uz/nalogovaya-reforma>.

<sup>4</sup> Подробнее см.: <https://repost.uz/nalogovaya-reforma>.

тўловчиларга юклайди, солиқ тўловчилар учун тенг бўлмаган шароитларни яратади ва бу рақобатни йўқ қиласди.

- бир қатор **соҳаларнинг ҚҚС тўлашдан озод этилгани**, масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналари, автомобиль саноати, бу ҳам ушбу солиқни тўлаш занжирларининг узилишига олиб келади ва солиқ юкини ҳалол солиқ тўловчиларга юклайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ҚҚСни қоплай ололмайдиган умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, расмий савдо энг кўп зарар кўрадиган тармоқлар ҳисобланади.
- Юқорида кўрсатилгандек, **солиқларнинг умумий ва соддалаштирилган тартиблари ўртасида солиқ юқидаги сақланиб қолаётган тафовут**, авваламбор, юқори ҚҚС ставкаси – 20 фоиз билан боғлиқ бўлиб, бу корхоналарни **ушибу ва бошқа солиқларни тўлашдан бош тортшишга** (ҚҚСни тўлашдан қочиш учун даромадни яширишга тўғри келади ва шунга мос равишида бошқа солиқларнинг базаси ҳам камаяди) ва “яширин” йўлга ўтишига **ундайди**. Шуни таъкидлаш керакки, 20 фоиз ҚҚС ставкаси ўз-ўзидан юқори ҳисобланмайди. Бу ерда солиқнинг икки тартиби ўртасидаги солиқ юкининг бузилиши омили сифатида юқори эканлиги ҳақида гап бормоқда, бу эса бизнесни ҚҚСни тўлашдан бўйин товлашга ундайди.
- **ҚҚС маъмурчилиги ва даромад солиғи жараёнларининг мураккаблиги** (Солиқ концепциясига мувофиқ соддалаштирилиши керак эди, аммо бу амалга оширилмади).

Натижада, 2019 йилда умумий солиққа тортиш тартибига ўтган корхоналар, ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда, ҚҚС тўламайдиганларга нисбатан камроқ қулай шароитларда бўлишди, бу уларни ўз бизнесларини бўлиб кичиклаштиришга (соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига қайтиш учун) ва даромадларини яширишга мажбур қилмоқда. Бу ҚҚС тўлови занжирларининг узилишига, ҳалол солиқ тўловчилар юкининг ошишига ва нархларнинг ошишига олиб келади.

**4-вазифа – солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш.** Хусусан, Концепцияда қўйидагилар кўзда тутилган эди:

- солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши;
- 2018 йилнинг 1 ноябрига қадар самарасиз солиқ, божхона имтиёзлари ва преференцияларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрланиши керак эди;
- 2018 йилнинг 1 декабрига қадар Солиқ кодексининг янги таҳрири ишлаб чиқилиши керак эди.

Афсуски, деярли ҳеч нарса қилинмади:

- Солиқ кодексининг янги таҳрири муҳокама учун 2019 йилнинг ўрталарида эълон қилинди.
- ҚҚСдан озод қилинган ўзи ишлаб чиқкан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ушбу солиқни ҳисобга олиш муаммоси ҳал этилмади. Шу билан бирга, ушбу муаммони ҳал қилишнинг анча самарали ечимлари мавжуд эди. Аммо улар эътиборга олинмади.
- Концепцияда белгиланган ҚҚС ва даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлашни соддалаштириш амалга оширилмади. Ушбу солиқлар маъмурчилиги солиқ тўловчилар учун ҳам, солиқ органлари учун ҳам қийин бўлиб қолмоқда, бу эса солиқ ислоҳотларини муваффақиятли амалга оширишга йўл қўймайди.
- Солиқ имтиёзларини оптималлаштириш амалга оширилмади. Шу билан бирга, кўплаб солиқ имтиёзлари самарасиз ва жуда заарли: улар рақобатни йўқ қиласди (баъзиларида имтиёзлар мавжуд, бошқаларида эса йўқ) ва давлат бюджетини заифлаштиради.
- Солиқ ислоҳотлари Концепциясига зид равишида (ЯСТнинг 4 фоиз ягона ставкасини назарда тутган ҳолда) иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун ЯСТнинг табақалаштирилган ставкалари жорий этилди.

- турли соҳалар учун ҳар хил ставкаларга эга соддалаштирилган деб номланган ҚҚС жорий этилди. Бу ислоҳотларни амалга оширишни секинлаштиради ва мураккаблаштиради, чунки бу ушбу солиқни тўлашда ҳисоб-китобларни амалга оширишга имкон бермайди.
- Бир қатор мухим солиқ қоидалари жамоатчилик муҳокамасиз тасдиқланди. Биринчи навбатда қўйидагилар ҳақида гап бормоқда:
  - ҚҚС соддалаштирилган тартиби ва ЯСТнинг табақалаштирилган ставкалари (юкорига қаранг),
  - уяли алоқа хизматларига акциз солиғи, қўшма ставка жорий этиш ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган сигаретларга акциз солиғи ставкасини ошириш.

Бундан ташқари, 2018 йилнинг иккинчи ярми ва 2019 йилнинг биринчи ярмида солиқ имтиёзларини бериш жараёни, шу жумладан алоҳида шахсларга давом этди, баъзи секторларда (масалан, электротехника саноати соҳаси) ҳатто кучайтирилди.

Натижада: умумий солиққа тортиш тартибига ўтган ёки ҚҚС тўловчиларига айланган корхоналар учун **солиқ маъмуриятчилигининг харажатлари бир неча баробарга ошди** ва бизнеснинг тенг бўлмаган шароитлари туфайли **иктисодиётнинг бир қатор соҳаларида рақобатбардош муҳит ёмонлашди**.

## Кўриладиган чоралар

Президентнинг 2019 йил 28 июндаги “Солиқ ва божхона имтиёzlари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида<sup>5</sup> ушбу маълумотномада қайд этилган баъзи муаммоларни ҳал қилиш йўллари белгиланган, жумладан:

- Кўйидагилар ҳисобига ҚҚС тўловчилари сонининг кўпайиши:
  - 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси (тушуми)га эга бўлган ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларига эга бўлган ягона ер солиғи тўловчилари;
  - пахта хомашёсими ишлаб чиқарувчилар;
  - бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қуйиш станциялари орқали охирги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар;
  - товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари;
  - қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотлари, асбест, кўмир, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород хомашёси, соя данаги, кунгабоқар ва кунжут уруғлари, мойли хомашё ва шакар хомашёси, қишлоқ хўжалиги техникаси, автотранспорт воситалари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик асбоб-ускуналар бўйича имтиёzlарни бекор қилиш.
- Ягона ер солиғини тўловчилари бўлган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари қўшимча қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга ўтиш ҳуқуқига эга бўлдилар.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йилнинг 1 октябрига қадар қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олинган суммасининг уни ҳисобланганидан ошган суммасини мажбурий қоплаб бериш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси топширилди.
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси бошقا манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар божхона имтиёzlарини бериш тартибини тубдан қайта қўриб чиқиш, шунингдек, илгари берилган имтиёzlарни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

<sup>5</sup> <http://aza.uz/ru/documents/o-merakh-po-dalneyshemu-uporyadocheniyu-predostavleniya-nalo-28-06-2019>

Аммо, афсуски, ушбу чора-тадбирлар бугунги кунда солик ислохотларини амалга оширишнинг асосий муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди, хусусан, **кўплаб соҳаларда сақланиб қолган солиқларнинг умумий ва соддалаштирилган тартиблари ўртасидаги солик юкидаги сезиларли тафовут**, бу ҚҚСнинг юқори (20 фоиз) ставкаси сақланиб қолиши билан боғлиқ.

## Тавсиялар

Мавжуд вазиятни тўгирлаш ва Президентнинг июнда (2018 й.) қабул қилинган Фармонида белгиланган солик ислоҳоти вазифалари ижросини таъминлаш учун нима қилиш керак ва нима қилиш керак?

1. ҚҚС ставкасини 20 фоиздан 12 фоизгача пасайтириш, шу билан бирга, ҚҚС ва бошқа солиқлар ҳамда божхона тўловлари бўйича имтиёз ва истисноларни бекор қилиш.

Молия вазирлиги бюджетнинг пасайишини олдини олиш истаги билан ҚҚС ставкасининг 20 фоиз миқдорида сақланишини ҳимоя қилган эди. Айни пайтда:

- юқорида қайд этилганидек, ҚҚС юқори ставкасининг сақланиб қолиши, бу солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг асосий сабаби ва шунга мос равишда бюджет режаларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолардир. ҚҚС ставкасини пасайтирумасдан ва солиқнинг икки тартиби ўртасидаги солик юкини мувозанатлаштирумасдан, бизнес делегализациялари билан вазиятни ўзгартириш имконсиз;

- Давлат солик қўмитаси раисининг ўринбосари Мубин Мирзаев 2019 йил июнь ойининг бошида ҚҚС номинал ставкаси 20 фоиз ни ташкил этганида, ҚҚСнинг амалдаги ставкаси бор-йғи 11,5 фоиз ни ташкил қилишини таъкидлади. Бу шуни англатадики, кимдир қўшимча қийматнинг 20 фоизини ёки ундан ҳам кўпроқни тўлайди (чунки у зачёт ололмайди) ва кимдир имтиёзлар ва солиқлардан озод қилинишлар туфайли ҳеч нарса тўламайди. Бу ўртача 11,5 фоиз ни ташкил этади. Афсуски, ҚҚСнинг самарали ставкасини ҳисоблаш усули тақдим этилмаган, бу ҚҚС ставкаси пасайишини аниқ баҳолашга имкон бермайди. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам, берилган рақам солик имтиёзлари ва солиқлардан озод қилинишлар бекор қилиниши ҳисобига бюджет учун йўқотишларсиз ҚҚС ставкасини сезиларли даражада пасайтириш учун захиралар мавжудлигини кўрсатмоқда. Ва бизнесни қонунлаштириш (солик юкини камайтиргандан кейин) туфайли бюджет даромадлари нафақат ҚҚС, балки бошқа солиқлар бўйича ҳам ошиши керак.

2. Солиқ маъмуриятчилиги харажатларини камайтириш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш, шу жумладан:

- солик имтиёзларини оптималлаштириш;
- ҚҚС тўлашдан озод қилинган саноат ва маҳсулотлар сонини қисқартириш;
- ҚҚС ва даромад солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини соддалаштириш;
- ЯСТнинг алоҳида ставкалари ва соддалаштирилган ҚҚС, шу жумладан, улар ҳаддан ташқари оширилган умумий овқатланиш соҳаси учун қайта кўриб чиқиш<sup>6</sup>.

<sup>6</sup> Подробнее см.: <https://kun.uz/ru/news/2018/12/30/yuliy-yusupov-o-nalogovoy-reforme-dostijyeniya-i-problemy>.